

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Milton Friedman. A Theory of the Consumption Function. Princeton, N.J. Princeton University Press, 1957.
2. Mincer, J. (1958) Investment in Human Capital and Personal Income Distribution. *The Journal of Political Economy* 281-302. [https://www.jstor.org/stable/1827422?read-now=1&refreqid=excelsior%3Ad2f165a96877f753b910571c7cf28284&seq=1#page\\_scan\\_tab\\_contents](https://www.jstor.org/stable/1827422?read-now=1&refreqid=excelsior%3Ad2f165a96877f753b910571c7cf28284&seq=1#page_scan_tab_contents)
3. OECD (2020), Poverty gap (indicator). DOI: 10.1787/349eb41b-en (Accessed on 23 April 2020)
4. OECD (2020), Poverty rate (indicator). DOI: 10.1787/0fe1315d-en (Accessed on 23 April 2020)
5. Peng C., Fang L., Wang J.S. et al. Determinants of Poverty and Their Variation Across the Poverty Spectrum: Evidence from Hong Kong, a High-Income Society with a High Poverty Level. *Soc Indic Res* 144, 219-250 (2019). <https://doi.org/10.1007/s11205-018-2038-5>
6. Poverty in the United States <https://www.debt.org/faqs/americans-in-debt/poverty-united-states/>
7. The Population of Poverty USA. <https://www.povertyusa.org/facts>
8. World Bank. 2020. *Global Economic Prospects, January 2020: Slow Growth, Policy Challenges*. Washington, DC: World Bank. P. 89.
9. Majeed M.T., Malik M.N. Determinants of Household Poverty: Empirical Evidence from Pakistan. *he Pakistan Development Review* 54:4, Part II (Winter 2015), pp. 701-718.
10. Peykarjou K., Gollu R.B., Gashti H.P., Shahrivar R.B. Studying the relationship between health and economic growth in OIC member states. // *Interdisciplinary Journal of Contemporary Research in Business*. December 2011, Vol 3(8). Pp. 1041-1054.
11. Research to help the world's poor. <https://www.nobelprize.org/uploads/2019/10/popular-economicsciencesprize2019-2.pdf>
12. Rindermann H., Sailer M., Thompson J. The impact of smart fractions, cognitive ability of politicians and average competence of peoples on social development. // *Talent Development & Excellence*, 2009. № 1(1). Pp. 3-25.
13. Stachle H. Ability, Wages and Income. *Review of Economics and Statistics*, XXV, February 1943, pp. 77-87.
14. Ироқ ва Суриядан қайтарилган аёллар бўйича ўрганиш натижалари маълум қилинди. <https://kun.uz/news/2020/03/03/iroq-va-suriyadan-qaytarilgan-ayollar-boyicha-organish-natijalari-malum-qilindi>
15. Кошарная Г.Б., Каримова Л.Ф. Основные подходы к измерению уровня бедности в современной России. // <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-podhody-k-izmereniyu-urovnya-bednosti-v-sovremennoy-rossii/viewer>
16. Мустафақулов Ш. Камбағаллик айб эмас, бироқ ... Халқ сўзи. 25.03.2020 й. <http://xs.uz/uzkr/post/kambagallik-ajb-emas-biroq>
17. Сазанов И.С. Бедность: Национальные и международные критерии. // *Челябинский гуманитарий*. 2012, № 3(20). С.80-84.
18. Сидорчук И.Б. Критерии бедности и показатели ее определения. <https://cyberleninka.ru/article/n/kriterii-bednosti-i-pokazateli-ee-opredeleniya/viewer>
19. Тарихда ilk марта “ёпиқ мавзу” бўлган қамбағалликни қисқартириш учун кураш бошланди. <https://review.uz/uz/post/tarixda-ilk-marta-yopiq-mavzu-bolgan-qambagallikni-qisqartirish-uchun-kurash-boshlandi>
20. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. [http://web.stat.uz/open\\_data/uz/9.2%200D\\_income\\_by\\_deciles\\_uzb.pdf](http://web.stat.uz/open_data/uz/9.2%200D_income_by_deciles_uzb.pdf)
21. Хасанов Р., Усмонов Б. Ўзбекистонда камбағаллик ва уни қисқартириш йўллари. 06.03.2020 й. <https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-kambagallik-va-uni-qisqartirish-yollari>
22. Асатуллаев Х., Хаджаев Х. Ўзбекистонда инклюзив ўсиш ва камбағалликни қисқартириш. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting"*. Issue 6, December 2022. ISSN: 2181-1016.



**ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ**

**Худойбердиев Жамшид Журабой ўғли -**  
Самбахрам университети  
Жиззах филиали ўқитувчиси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss5/a28](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a28)

**Аннотация.** Мазкур мақолада камбағаллик тушунчасининг шаклланиши, унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, камбағаллик даражасини ўлчаш мезонлари, уни қисқартириш юзасидан амалий таклиф ишлаб чиқилган. Камбағаллик даражаси мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятларида ва аҳолининг турмуш тарзида ифодаланиб, ижтимоий масала сифатида деярли барча иқтисодий тизимларда намоён бўлиши назарий жиҳатдан ўрганилган.

**Калит сўзлар:** камбағаллик, камбағалликнинг келиб чиқиш сабаблари, камбағаллик даражасини ўлчаш, инсон камолоти индекси, турмуш тарзи, камбағалликни аниқлаш концепциялари, аҳоли фаровонлиги.

**СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ**

**Худойбердиев Джамшид Джурабой ўғли -**  
Преподаватель Джизакского филиала  
Самбахрамского университета

**Аннотация.** В данной статье разработаны формирование понятия бедности, ее социально-экономические последствия, критерии измерения уровня бедности, а также практическое предложение по ее снижению. Теоретически изучено, что уровень бедности выражается в производственных возможностях страны и образе жизни населения и проявляется как социальная проблема практически во всех экономических системах.

**Ключевые слова:** бедность, причины бедности, измерение бедности, индекс человеческого развития, образ жизни, концепции определения бедности, благосостояние населения.

*Khudoyberdiyev Jamshid Jamshid o'g'li -*

*Teacher at the Jizzakh branch of Sambahram University*

**Abstract.** This article develops the formation of the concept of poverty, its socio-economic consequences, criteria for measuring the level of poverty, as well as a practical proposal for its reduction. It has been theoretically studied that the level of poverty is expressed in the production capabilities of the country and the lifestyle of the population and manifests itself as a social problem in almost all economic systems.

**Key words:** poverty, causes of poverty, measurement of poverty, human development index, lifestyle, concepts for defining poverty, welfare of the population.

**Кириш.** Жаҳонда халқаро ташкилотлар мамлакатлардаги камбағалликни қисқартиришда устувор ислохотларни аҳолининг маълум бир тоифаси камбағаллик даражасига тушиб қолишининг олдини олишдан бошлаш лозимлигига эътибор қаратади. “Камбағаллик инсоннинг ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун тўсиқларнинг мавжудлиги, бундан ташқари оиласини боқиши ва кийинтириши, таълим олиши ёки шифохонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши ёки даромад олишга имкон берадиган меҳнат билан таъминлаш имкониятлари етишмаслиги ҳамда кредит олиш имкониятининг чекланганлигида намоён бўлади”[1]. Камбағаллик мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатган ҳолда меҳнат бозорида турғун рақобатсизлик ҳолатини келтириб чиқаради, иқтисодий ва ижтимоий тизимларнинг ўзаро мувозанатини бузади, омонатлар ҳажмини қисқартиради ҳамда аҳоли харид қобилиятининг пасайиши эвазига бозор умумий талабини камайтиради.

Янги Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим устуворлиги сифатида белгиланган бўлиб, унда камбағалликни қисқартиришнинг тўғри ва энг самарали усули иқтисодиётда банд аҳоли сонини ошириш, уларга муносиб ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган тўлиқ иш билан банд бўлишликни таъминлаш, қишлоқ жойларда тадбиркорлик учун шарт-шароитларни яратишдан иборат. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган ислохотларнинг пировар мақсади аҳолининг маънавий юксалиши ва моддий фаровонлигини оширишга қаратилганлигини ҳисобга олиб, яқин келажакда аҳолининг иш билан унумли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш масаласи ҳозирда давлат ва жамият олдида ҳал этилиши лозим бўлган долзарб вазибалардан бири бўлиб қолмоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Бугунги кунда камбағаллик даражаси умумдавлат миқёсдаги ишлаб чиқариш имкониятларида ва

аҳолининг турмуш тарзида ифодаланиб, ижтимоий масала сифатида деярли барча иқтисодий тизимларда намоён бўлади. Камбағаллик ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқ, шунинг учун унинг намоён бўлиш шакллари вақт ва маконда фарқланади. Камбағалликнинг пайдо бўлиш жараёнлари ўзига хос тарихни яратган. Мазкур тушунча мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатган ҳолда меҳнат бозорида турғун рақобатсизлик ҳолатини келтириб чиқаради, иқтисодий ва ижтимоий тизимларнинг ўзаро номутаносиблигини келтириб чиқариб, аҳоли харид қобилиятининг пасайиши эвазига бозор умумий талабини камайтиради, бу эса даромадларни тақсимлашдаги тенгсизликнинг оқибати сифатида камбағалликни камайтиришни тадқиқ қилишнинг янгича ёндашувларини тақозо қилмоқда.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентини таъкидлаганидек, “Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак” [2].

БМТ томонидан берилган маълумотларга қараганда, ер юзиде қарийб бир миллиард аҳоли кунига бир АҚШ доллари ҳисобига яшайди; 2,5 миллиард кишининг даромади икки АҚШ долларига тенг. 2030 йилга бориб, дунёда 575 миллион киши ўта қашшоқлик билан курашишда давом этади ва 84 миллион бола мактабга боролмайди. Ҳисоботда 2030 йилгача ривожланиш мақсадларига эришиш хавфи, жумладан, “нол очлик”ка эътибор қаратилади. Қайд этилишича, ушбу муддатга қадар белгиланган 140 та мақсаднинг атиги 15 фоизига эришиш мумкин [3].

“Камбағаллик – турмуш кечириш, меҳнат лаёқатини сақлаб туриш, авлодлар узвийлигини давом эттириш учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳлар иқтисодий аҳволи-

нинг кўрсаткичи, ижтимоий гуруҳ ёки индивиднинг ҳаёт учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларини қондира олмаслигининг иқтисодий шароитини акс эттирувчи хусусият” эканлиги иқтисодий адабиётларда таърифланган [4].

МДХ давлатлари олимлари кўрсатиб берганидек, “Камбағаллик – инсон, ижтимоий гуруҳ, мамлакатнинг умумий қабул қилинган яшаш шароитларини сақлаб қолиш учун зарур ресурслар йўқлиги ёки етишмаслиги билан ажралиб турувчи ҳолат” [5].

Бу фикрни давом эттирган маҳаллий олимлардан Ш.Мустафакуловнинг фикрича, “Камбағаллик турмуш кечириш, меҳнат лаёқатини сақлаб туриш, авлодлар узвийлигини давом эттириш учун зарур энг кам эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳлар иқтисодий аҳволининг кўрсаткичидир” [6].

О.Махмудов фикрича, “Камбағаллик ҳаёт учун муҳим бўлган, энг зарур минимал эҳтиёжларни қондира олмайдиган, ишга лаёқатли бўлиб, ўзи хоҳлаган ишларни давом эттириши мумкин бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг иқтисодий ҳолатининг ўзига хос хусусиятидир” [7]. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мазкур тадқиқотда камбағалликни камайтириш бўйича ишлаб чиқилган ҳулоса ва таклифлар мавзу бўйича услубий маълумотларни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Асосий қисм.** Мамлакатимизда камбағаллик тушунчаси бир неча йиллар давомида “эпик мавзу” сифатида белгиланиб, унинг ўрнига эса “ижтимоий ҳимояга муҳтожлар”, “кам таъминланганлар” тушунчаси билан ифодаланган. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган очиқ демократик сиёсат туфайли мазкур муаммонинг мавжудлиги, унинг ечими бўйича чуқур таҳлилларни амалга ошириш, уни пасайтириш ва келажакда бартараф этиш ҳақида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Камбағаллик даражасини аниқлашнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти – камбағаллик кўрсаткичинини аниқлаш ва таҳлил қилишдан мақсад ҳар бир давлатда аҳолининг ночор, ҳимояга муҳтожлар қаторига тушиб қолган кишилар учун турмуш тарзини манзилли дастурлар орқали қўллаб-қувватлашдан иборат. Бу борада халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ камбағаллик чегарасини асосий товар ва хизматлар учун зарур бўлган даромадлар сифатида белгилайди. Ҳар бир давлатнинг умумий фаровонлик кўрсаткичи камбағаллик даражасининг мезонлари ва уни қисқартириш учун олиб борилаётган ижтимоий сиёсатга боғлиқ. Жаҳон амалиётида камбағалликни ҳисоблашнинг учта, яъни мутлақ, нисбий ва субъектив концепцияси кенг

тарқалган. Ушбу концепциялар бир-бирини инкор этмаган ҳолда, аксинча, бири иккинчисини тўлдиради.

Камбағалликни ҳисоблаш икки босқичда амалга оширилади, биринчиси, камбағалликни аниқлаш бўлиб, бунда ушбу тоифага мансуб бўлганларни халқаро ва маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқилган методологиядан фойдаланиб ҳисобланади. Бунинг учун энг асосий шарт сифатида статистик кузатувларни тўғри амалга ошириш талаб этилади. Иккинчиси, унинг ҳажмини, яъни қийматини келтириб чиқариш ва уларга давлат томонидан манзилли ёрдам кўрсатишдан иборат.

Камбағалликни аниқлашнинг меъёрий усули инсоннинг асосий физиологик ва ижтимоий-маданий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган товарлар ва хизматлар тўпламини аниқлашни, шунингдек, аҳолининг жинси ва ёш гуруҳлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда истеъмол қилиш нормалари ва стандартларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади [8].

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) томонидан камбағаллик даражасига нисбатан мезонлар тавсия этилган. Жумладан, камбағаллик даражаси маълум ёшдаги аҳоли гуруҳи даромадлари уй хўжаликлари ўртача даромадининг ярмидан кам бўлган чегарадан паст бўлиши билан изоҳланади [9].

Шунингдек, камбағаллик оралиғи категориясини ҳам киритишади ва бу камбағал қатламнинг ўртача даромади камбағаллик даражаси мезонидан пастга тушиб кетади. Ушбу категория камбағалликнинг миқёсини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу кўрсаткич ёш доирасида аниқланиши амалга оширилади. Яъни 18-65 ва 65 ёшдан катталар.

Олиб борилган тадқиқотларга асосланиб, жаҳонда камбағалликни аниқлаш концепцияларини куйидагича гуруҳладик (1-жадвал).

Инсон камолоти индекси бир йил давомида ялпи миллий даромаднинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган улуши, аҳолининг саводхонлик даражаси, узоқ умр кўриш давомийлигини баҳолайдиган кўрсаткич сифатида белгиланиб, унда турмуш даражаси, таълим даражаси ва умр давомийлиги асосий ўринларни эгаллайди. Инсон камолоти индексида 3 та асосий омил – узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш, билим олиш ва муносиб турмуш даражаси ҳисобга олинади. Турмуш даражаси номинал ва реал ўртача иш ҳақи даражаси, пенсия ва нафақанинг энг кам миқдори, ўртача ва реал пенсия миқдори, аҳоли жон бошига ўртача ва реал даромадлар табақаланиш кўрсаткичлари, турмуш кечиришнинг энг кам миқдори ҳамда турмуш кечириш учун энг паст даромадга эга аҳоли салмоғи билан белгиланади.

Жаҳонда камбағалликни аниқлаш концепциялари

Камбағалликни аниқлаш концепциялари	Камбағалликни аниқлаш концепцияларининг мазмуни
Камбағалликнинг мутлақ концепцияси	Мазкур концепция камбағаллик чегараси тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, унинг чегараси даромад, ялпи даромад ёки истеъмолнинг шундай даражасики, бу даражадан паст бўлганда, одам камбағал ҳисобланади. Жаҳон банки мутлақ камбағаллик чегараси сифатида кунига 1,25 АҚШ доллари ҳисобига (доллар курси харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланади) кун кечиришни белгилаб қўйган.
Камбағалликнинг нисбий концепцияси	Ушбу кўрсаткич камбағаллик нисбий чегарасини белгилайди ва аҳолининг амалдаги даромадини ана шу даражага нисбатан таққослайди. Жамиятнинг реал даромадлари ортиб бораётган шароитда тақсимлаш ўзгармаса, нисбий камбағаллик аввалгидек сақланиб қолади.
Субъектив камбағаллик	Мазкур концепцияга кўра, фақат шахснинг ўзи камбағаллигини белгилаши мумкин. Субъектив камбағаллик даражасини аниқлашга турли ёндашувлар мавжуд. Шунингдек, ижтимоий фикрга асосланган ҳолда субъектив камбағаллик чегарасини аниқлаш, шундан сўнг уни аҳоли даромади билан таққослаш мумкин.

*Манба:* маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Таълим даражаси эса мамлакат таълим тизимидаги учта асосий кўрсаткични ўз ичига олади: ўқув йили давомийлиги, кутилаётган таълим давомийлиги, ўртача таълим давомийлиги ва мазкур кўрсаткичлар аҳоли турмуш даражасига салмоқли таъсир кўрсатади.

**Хулоса ва таклифлар.** Камбағалликни қисқартиришнинг таъсирчан воситаларини амалиётга жорий этиш, камбағалликни ҳисоблашнинг мезон ва усулларини ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш уни қисқартиришнинг институционал асосларини яратишга асосланади.

Тадқиқотларга асосланиб, камбағалликни қисқартириш, турмуш тарзини яхшилаш, инсон камолотини ривожлантириш учун қуйидаги тавсияларни илгари сурамиз:

– маҳаллада аҳолининг “Темир дафтар”га киритилган қатламини тадбиркорлик билан

шуғулланишлари учун молиявий рағбатлантириб бориш;

– рақамли иқтисодиёт шароитида иш билан бандлик даражасини ошириш, меҳнат бозорини барқарорлаштиришга эришиш учун ишга жойлашишга муҳтож шахсларга касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини кенгайтириш;

– тирикчилик воситаларидан маҳрумлик, тенгсизлик, маданий, эксплуатация кўринишидаги ҳамда таркибий камбағалликка қарши курашиш борасида кишиларнинг иқтисодий тафаккури ва иқтисодий тарбиясини ўзгартиришга эришиш;

– камбағалликни қисқартиришнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларида доимий камбағаллар, якка ёлғиз яшовчи, боқувчиси йўқ пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган кўп фарзандли оилаларни манзилли қўллаб-қувватлаш.

**Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. БМТ Европа Иқтисодий Комиссиясининг «Камбағалликни ўлчаш бўйича қўлланма». – Нью-Йорк, Женева, 2017 йил. [www.undp.org](http://www.undp.org).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь, 19 (7521)-сон.
3. <https://aniq.uz/bmt-2030>.
4. Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодиётга оида атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати. / Х.П.Абулқосимов, М.Х.Абулқосимов. – Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2017. 261-262-б.
5. Ярошенко С.С. Гендерни истисно қилиш режимидаги камбағаллик. <https://polit.ru/article/2010/>
6. Мустафақулов Ш.И. ва бошқалар. Ўзбекистонда камбағалликни аниқлаш ва қисқартириш давлат сиёсати даражасида. // *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*. 1-son, 2020-yil.
7. Махмудов О.Х. Оилаларда камбағалликни қисқартириш омиллари. // *“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy-elektron jurnali*. 6-son, noyabr-dekabr, 2021-yil. – 269 b.
8. Сычева С. «Бедность и её измерение», *Социология*: 4М, 2011, № 14. С. 128.
9. OECD (2020), *Poverty gap (indicator)*. DOI: 10.1787/349eb41b-en (Accessed on 23 April 2020).